ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



Салиева Наргиза Эргашевна
Самбҳрам университети Илмий ишлар ва инновациялар проректори. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация

Ушбу мақолада таълим тизимида халқаро ҳамкорлик жараёнларининг таълим сифати ва жамият тараққиётига таъсири масалалари таҳлил қилинган ҳамда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик ва интеграциялашув

жараёнлари, миллий таълим тизими тараққиёти масалалари “Sambhram” университети мисолида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тараққиёт, таълим тизими, сифатли таълим, халқаролашув, халқаро таълим, рақамли таълим, интеграция, инновация.

Бугунги кунда жамият тараққиёти, ўзига хос инновацияларнинг фан ва ишлаб чиқариш соҳаларига тадбиқ этилиши, фан сохасидаги сўнги тенденцияларнинг амалиётга жорий этилиши бу бевосита халқаро стандартларга асосланган таълим тизимидаги халқаро ҳамкорлик жараёнлари билан боғлиқ саналади. Дунё таълим тизимида халқаро ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириш орқали миллий таълим тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш дунё давлатларининг таълимга доир сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири саналади.

Таълим тизимида халқаро ҳамкорлик жараёнларининг жадаллашуви натижасида таълим тизими манзараси тубдан ўзгариб, миллий чегаралардан ташқарига чиқиб, глобал масштабни қамраб олди. Халқаро ҳамкорлик ва таълимда интеграциялашув, яъни таълим муассасаларининг ўқитиш, тадқиқот ва жалб қилишда халқаро ёндашувни қўллаш жараёни оддий сўз эмас, бу бизнинг ўзаро боғлиқ дунёмизни акс эттирувчи таълимдаги зарурий эволюциядир. Ушбу глобал интеграция миллий давлатлар тизими тўғрисидаги стратегик вазифаларни замонавий тенденциларга мослаштирмоқда ҳамда талабалар, ўқитувчилар ва умуман академик ҳамжамият учун катта имтиёзларни тақдим этмоқда[8].

Олий таълим тизими ўқитиш, тадқиқот ўтказиш ҳамда жамиятга хизмат кўрсатиш бўйича халқаро ўлчовларга эга бўлсада, кўпчилик олий таълим муассасалари таълим жараёнида бу меъёрлар тадбиқ этилмаган. Сўнги ўн йилликда иқтисодиёт ва жамиятларнинг глобаллашуви, таълим тизимининг иқтисодиёт ва инновациялар билан интеграциялашуви олий таълимда халқаро интеграциялашувга янада стратегик ёндашиш учун шароит яратди. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият Ташкилоти, Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотлар, миллий ҳукуматлар, Европа Иттифоқи ва Халқаро Университетлар Ассоциацияси каби олий таълим ташкилотлари халқаролаштиришни биринчи ўринга қўйди. Халқаролашув олий таълимда, ривожланган дунёда, балки ривожланаётган ва ривожланаётган жамиятларда асосий ўзгаришлар агентига айланди.

Талабалар, олимлар ва дастурларнинг ҳаракатчанлиги, обрў ва брендинг *(глобал ва минтақавий рейтингларда намоён бўлади)* ва парадигманинг ҳамкорликдан рақобатга ўтиши сўнгги 30 йил ичида олий таълимни халқаролаштириш бўйича кун тартибининг асосий нуқтаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Халқаро таълим саноат, даромад манбаи ва давлат таълим тизими обрўсини ошириш воситасига айланди[9].

Халқаро миқёсда илмий даражага эга бўлишни хохлаётган талабалар сони, халқаро иқтидор ва олимлар, чет элга кредит олиш учун кетаётган талабалар, келишувлар ва ўзаро англашув меморандумлари, шунингдек, юқори таъсирли академик журналларда ҳаммуаллифлик қилган халқаро нашрлар ҳақидаги миқдорий маълумотлар таълим тизимининг халқаролашув жараёнларини жадаллаштирди. Халқаролашув жараёнларининг жадаллашуви асосида тадқиқотларда, шу жумладан ўқитишда ҳам инглиз тилининг устунлиги ошишига олиб келди, халқаролаштириш атрофида бутунлай янги саноатнинг пайдо бўлишига олиб келди ҳамда миллий таълим тизимларини халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш заруратини кун тартибига қўйди.

Мамлакатимизда ҳалқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда миллий таълим тизимини модернизация қилиш, халқаро стандартларни таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали таълим тизимини халқарорлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва шу орқали сифатли

[8] Jones, E., & de Wit, H. (2014). Globalized internationalization: Implications for policy and practice. IIEnetworker, 2014(Spring), 28–29.

[9] de Wit, H. (2019). Internationalization in higher education: A critical review. SFU Educational Review, 12(3), 9–17.

таълим хизматларини йўлга қўйиш энг муҳим стратегик вазифалардан бири хисобланади. Давлатимиз раҳбари айтганидек “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю-ягона тўғри йўлидир”[10]. Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири эса бу таълим тизимини халқаролаштириш жараёнларини жадаллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармонларининг қабул қилинини олий таълим тизимида халқаролашув жараёнларининг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур стратегик дастурлар асосида Ўзбекистон таълим тизимида халқаролашув жараёни қуйидаги ўзига хос тенденциялар асосида амалга оширилмоқда:

Биринчи тенденция, давлат олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш орқали халқаролашув жараёнларини жадаллаштириш. Бу тенденция асосида республикадаги барча давлат олий таълим муассасалари ўқув жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтказилди ҳамда босқичма-босқичлик асосида Болония декларациясининг асосий таъмойиллари таълим тизимига тадбиқ этилмоқда.

Иккинчи тенденция, республика худудида хорижий олий таълим муассаслари филиалларини ташкил қилиш орқали халқаро стандартларга асосланган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш хисобланади. Бу йўналишда Ўзбекистонда салмоқли ишлар амалга оширилди ва сезилари ютуқлар қўлга киритилди.

Учинчи тенденция, таълим жараёнларини рақамлаштириш ҳамда таълим тизимида сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шаротида жамият барқарор тараққиёти таълим тизимига ўзига хос ахборот технологияларини жорий этиш, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш билан узвий боғлиқ саналади.

Сўнгги уч йилда ахборот технологиялари соҳасига катта эътибор қаратилгани ўз натижасида IT-парк резидентлари 5 триллион сўмлик хизматлар кўрсатган, 140 миллион долларлик хизматларни экспорт қилган.

Мавжуд 715 та давлат хизматидан 370 таси рақамли платформага ўтказилган бўлиб, улардан ўтган йили 12 миллион аҳоли фойдаланган. Рақамлаштириш натижасида 70 дан ортиқ турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳолидан талаб қилиш бекор бўлган.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги хизматлар экспортини келгусида 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун камида 100 минг нафар малакали дастурчи, IT-архитектор, оператор ва муҳандислар керак. Ҳудудларда юқори тезликдаги интернет тармоғини кенгайтириш лозим. Хорижий IT-компаниялар кўпайиши учун янада қулай муҳит яратиш зарур. Аҳоли ва тадбиркорлар учун энг зарур бўлган янги электрон хизматларни ишга тушириш жоиз.

Сўнгги икки йилда юртимизда 215 та IT-таълим марказлари очилган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ҳам ўз самарасини берди. Ҳозирда IT-парклар мутахассисларининг кўпчилиги шу дастурни тамомлаган ёшлар ҳисобланади. Энди ёшларни “Coursera” платформаси орқали ўқитиш ҳам кенгайтирилади. Улар орасидан энг иқтидорлилари танлаб олиниб, алоҳида дастур асосида халқаро IT-бозор учун тайёрланади.

Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги давлат сиёсатини таъминлашда ахборот технологиялари соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини самарали

[10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномаси. https://president.uz/uz

ташкил қилиш, илмий-инновацион фаолият натижадорлигини ошириш, халқаро АКТ соҳасидаги олий таълим муассасалари филиалларини ташкил қилиш орқали соҳага мутахассис кадрларни тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 210 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 114 та давлат олий таълим муассасаси, 67 та нодавлат олий таълим муассасаси, 29 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ҳисобланади. Мазкур олий таълим муассасаларида 44515 нафар педагог-ҳодимлар фаолия олиб боради, 1523947 та талаба ўқув жараёнига жалб этилган[11].

Мазкур олий таълим муассасаларида иқтисодиётнинг турли соҳаларига кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Давлат таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги “Жиззах шаҳрида “Sambhram” университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 401-сон қарори олий таълим тизимида халқаролашув жараёнларининг янада жадаллашувига, халқаро стандартлар асосида кадрлар тайёрлашга қаратилган олий таълим муассасаларнинг кўпайишига олиб келди.

Таъкидлаш керакки, ўтган 4 йил давомида университеда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Университет фаолиятининг асосий мақсади ва устивор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланди:

Жиззах вилоятининг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича олий маълумотли кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш каби йўналишларда таълим дастурларини амалга ошириш;

университет ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, замонавий технологияларни жорий этиш, таълим жараёнини замонавий ўқув адабиётлари ва таълим ресурслари билан таъминлаш;

таълим жараёнига “Sambhram” университети (Ҳиндистон), шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини кенг жалб қилиш орқали замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий этиш;

Жиззах вилоятининг иқтисодиёт тармоқларига истиқболли лойиҳалар, инновацияларни жорий қилишда кўмаклашиш, вилоятдаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтказилган илмий тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг, хусусан, Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш[12].

Университетнинг асосий миссияларидан бири бу мамлакат ва халқаро даражадаги дастурий таъминот йўналиши бўйича мутахассис кадрларни етиштириш саналади.

Бугун университетда **3 та** таълим йўналиши, **2 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизими йўлган қўйилган бўлиб, **60 нафар** педагог-ходимлар **2405 нафар** талабаларга таълим беришмоқда. Ўтган ўқув йилида **24 нафар** магистратура

[11] https://stat.edu.uz/

[12] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги “Жиззах шаҳрида «Sambhram» университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 401-сон қарори. https://lex.uz/

мутахассисликлари талабалари университетни тугатиб, мамлакатимизда турли соҳаларда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

2023-2024-ўқув йилида 15 нафар талабаларга гранд лойиҳаси доирасида “Академик алмашинув” дастури доирасида Ҳиндистоннинг Банголур шаҳрида жойлашган “Sambhram Institutions Group” таълим муассасасига тажриба алмашишди.

Талабалар академик алмашинув доирасида сунъий интеллект, киберхавфсизлик, ходимлар бошқаруви, биснесни ривожлантириш соҳалари бўйича тажрибаларни ўрганишди, шунингдек, IBM, Microsoft, SLK Software компанияларининг кучли мутаҳассислари ва шахсан вице президентлари томонидан мастер класслар ташкил этилганлиги талабалар учун дастурлар соҳасида қизиқишнинг ортишига ҳамда халқаро даражадаги дастурий кўникмаларини эгаллашига имконият яратди.

Бундан ташқари университет Ҳиндистон олий таълим муассасалари билан илмий тадқиқот, ўқув жараёнини халқаро стандартларга асосланган ҳолда ташкилд қилиш, таълимда сунъий интелекта асослан таълимни ташкил қилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларига дастурий воситалар ишлаб чиқариш бўйича самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ университет талабалари томонидан яратилган 10 дан ортиқ дастурий воситалар амалиётга жорий этилган. Университетда амалга оширилаётган ислоҳатлар таълим тизимининг халқаролашувини таъминлашга ҳамда ёшларга сифатли таълим хизматларини кўрсатишга ҳизмат қилмоқда.

Умуман олганда бугунги замонавий таълим тизимида олий таълим тизимининг халқаролашув жараёнларининг ижобий жиҳатларини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ўқув дастурларнинг халқаро стандатлар асосида ишлаб чиқилиши орқали халқаро даражадаги таълим сифатини баҳолаш мезонларини таълим жараёнига тадбиқ қилиш имкониятини тақдим этади.

Иккинчидан, кадрлар тайёрлаш сиёсатида миллий кадрлар тайёрлаш даражасидан халқаро даражадаги кадрлаш тизимига ўтишга имконият яратади.

Учинчидан, илмий тадқиқотларнинг миллий даражадан чиқиб, халқаро даражада кенгайишига олиб келади.

Тўртинчидан, олий таълим тизимининг халқаролашуви натижасида педагогик ходимларнинг хорижий тилларни билишга бўлган талаби ортиб боради.

Бешинчидан, халқаролашув натижасида маҳаллий олимларининг илмий ишланмаларининг халқаро даражада тан олинишига имконият яратади.